


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

«Умидли кимёгарлар-2017»

ЁШ ОЛИМЛАР, МАГИСТРАНТЛАР ВА БАКАЛАВРИАТ
ТАЛАБАЛАРИНИ XXV - ИЛМИЙ-ТЕХНИКАВИЙ
АНЖУМАНИНИНГ МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ



ТРУДЫ
XXVI - НАУЧНО- ТЕХНИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ, МАГИСТРАНТОВ И СТУДЕНТОВ
БАКАЛАВРИАТА

ТОШКЕНТ 2017

107.	Айходжаев Б.Б., Арабова З.А., Оралов Ж.Ж., Курбанбаева Г., Таженова З. Теплофизические свойства полипропиленовых композиций (ТХТИ)212	212
108.	Айходжаев Б.Б., Арабова З.А., Оралов Ж.Ж., Курбанбаева Г., Таженова З. Изучение линейных характеристик пропилена (ТХТИ)	214
109.	Айходжаев Б.Б., Арабова З.А., Оралов Ж.Ж., Курбанбаева Г., Таженова З. Изучение влияния местного талька на свойства полипропиленового компаунда (ТХТИ)	216
110.	Аширматова Н.М., Сагдуллаев Ш.Ш. Fumariaceae оиласига мансуб dicentre cucullaria ўсимлиги баргларида доривор воисталар олиш (ТКТИ, Ўсимлик модалари кимёси институти)	218
111.	Бекжанова Н.У*, Останов У.Ю. Изучение деструкции полипропилена, стабилизированного новыми производными госсипола, при ингибированном окислении (ТХТИ, КСЗ* Устюртский газо-химической комплекс)	220
112.	Бекжанова Н.У. Аметова Д.*, Останов У.Ю. Исследование кинетики термоокислительной деструкции исходного и стабилизированного образцов полипропилена методами ДТА и ТГА (ТХТИ, КСЗ*, Устюртский газо-химической комплекс)	222
113.	Bekmirzaev A., Xandamov D. Faollashtirilgan navbahor bentonitida atsetonitril adsorbsiyasi (ТКТИ)	224
114.	Билалова Д.Ж., Кадиров Х.Э., Хакимова Г.Р. ИК-спектральное исследование ингибиторов солеотложений на основе цинкатов-ОЭДФ (ТГТУ, ТХТИ)	226
115.	¹Бобоев О.К., ²Маматханова М.А., ²Халилов Р.М. Процесс сушки суммы сложных эфиров сесквитерпеновых спиртов из надземной части <i>FERULA ANGRENII</i> (¹ ТХТИ, ² Институт химии растительных веществ им. акад. С.Ю. Юнусова)	228
116.	Джабборов М., Кадиров Х.Э., Хакимова Г.Р. Применение композиции ОЭДФ и их цинковых солей в качестве ингибиторов коррозии (ТГТУ, ТХТИ)	230
117.	Жабборов Т.А., Тохиров М.И., Магрупов Ф.А., Жуманов Л.Э. модифицирланган фенол формальдегид олигомерлари эритмаларини турбидиметрик титрлаш орқали уларнинг нур синдириш кўрсаткичини аниқлаш (ТКТИ)	232
118.	Жумаева Г.Ю., Сидикова Г.А. Комплексообразование ионогенных водорастворимых производных целлюлозы с азотсодержащими соединениями (ТХТИ)	234
119.	Жураев А.Б., Магрупов Ф.А., Ишмухамедова М.Г. Изучение процесса алкоголиза вторичного полиэтилен-терефталата с помощью математической модели (ТХТИ)	236
120.	Исаев А.Н. Композиционные полимерные материалы поливинилхлорида (ТХТИ)	238
121.	Исаев А.Н. Кинетика термоокислительной деструкции поливинилфторида (ТХТИ)	240
122.	Искандаров Р.Т., Исмоилова Л.А., Каримов Р.К. Исследование процесса получения и технология производство 4,4'-(дихлорметил)-бифенила (ТХТИ)	242
123.	Исмаилов Б.М., Махсетбаев Е.А., Абдугафуров И.А. Майдаланган резина –кимматбаҳо хом ашё (ТХТИ)	244

МАЙДАЛАНГАН РЕЗИНА –ҚИММАТБАҲО ХОМ АШЁ

Исмаилов Б.М., Махсетбаев Е.А., Абдугафуров И.А.

Тошкент кимё-технология институти

Резина буюмлари ассортименти ниҳоятда кенг ва доим ўсиб боради. Ҳозирда у 60 минг тадан ортиқ номлардан ошади. Резина буюмлари турмуш тарзимизда жуда кенг қўлланилади. Резина буюмларини асосий ҳажми (80% дан юқори) аппаратлар, машиналар ва конструкциялар деталлар кўринишида ишлаб чиқарилади. Ассортименти бўйича эмас, ишлаб чиқариш ҳажми бўйича биринчи ўринда шинлар, иккинчи ўринда турли резинали техник буюм эгаллайди. Буларга транспортёр ленталар, корхона ременлари, енглари, турли машиналар, аппаратларни ва конструкцияларни тоза резина, резинатексил ва резинаметал деталлари, резинали техник матолар, улардан буюмлар, шунингдек алоҳида бўлмаган муҳандис объектлари: лодкалар, плотлар (солар) антонлар ва бошқалар киради. Ниҳоят 3-ўринни резина оёқ кийим рўзгор буюмлари ва санитар-гигиена буюмлари: бу ерга яна каучук қўллаган ҳолда тайёрланадиган асбоб техник буюмларни ҳам киритиш керак, турли машиналар учун тармоқ накладкалар стипленнани фракцион дисклари, прокладкалар, уплонителлар (зичлагичлар, зичликни оширувчи моддалар) ва бошқалар эгаллайди.

Муддати тугаган автошиналарни қайта ишлаш бутун дунёда катта муаммолардан бири ҳисобланади. БМТ маълумотларига кўра, йилига яроқсиз ҳолга келган автомобил шиналари 24 млн. тоннадан иборат бўлиб, уни 60% чиқиндихоналарга ташлаб юборилади. Европада истеъмолдан чиқариладиган автошиналар 2,5 млн тоннани ташкил қилган ҳолда, 90% қайта ишланмоқда. Яқин йиллар ичида Евроиттифоқ уларни 100% қайта ишлашни режалаштирмоқда. Муаммонинг ўта долзарблигини шундан ҳам билиш мумкинки, “Шиналарни қайта ишловчилар Европа ассоциацияси” (Европейская ассоциация переработчиков шин - ETRA) ташкил қилинган. Эскирган шиналардан, яқин вақтларгача, фақат иссиқлик энергияси олиш мақсадида экологик ҳавфсиз қурилмалар ёрдамида ёқиб юборилар эди. Аммо, сўнгги 15 йил ичида механик технологияни қўллаш усулининг оммалашуви натижасида шиналарни майдалаб ишлатиш 5% дан 34% гача ортганлиги кузатилади. Ҳозирги вақтда автомобил шиналари ва резина-техник маҳсулотларини ўндан ортиқ қайта ишлаш технологиялари мавжуд. Бироқ уларнинг энг кенг тарқалгани ва оммалашгани иккита:

- иссиқлик усули билан қайта ишлаш (пиролиз);
- механик усул билан қайта ишлаш.

Мутахассислар таъкидлашича, иккала вариантнинг ҳам камчилиги охириги маҳсулотнинг

таннархи юқорилиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рентабеллиги пастлигидадир[1].

Қуйидаги келтирилган маълумотлар эскирган шиналарни қайта тиклаш ҳақида тасаввурга эга бўлишимизга ёрдам беради: Жаҳонда, %- қайта тиклаш 18, кўмиб ташлаш 10, майдаланган ҳолга келтириш 34, ёқиб юбориш 38; Россияда, % - қайта тиклаш 1, майдаланган ҳолга келтириш 12, ёқиб юбориш 86, пиролиз 1. Қуйидаги 1-расмда дунё бўйича шиналарни қайта тиклаш ҳолати тасвирланган. Ушбу келтирилган маълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳалигача эскирган шиналарни асосий қисми ёндириб юборилаётганини гувоҳи бўламиз. Аслида бу технологияси охиригача ишланмаган қимматбаҳо ҳом ашёдир. Қуйида механик майдаланган шиналардан нималар ишлаб чиқиш мумкинлигини келтирамиз: Резина маҳсулотлари ишлаб чиқариш: автомобиль шиналарини тиккалаш ва янгиларини ишлаб чиқариш; резина пойафзаллар ва резина-техник маҳсулотлар тайёрлашда қўшимча сифатида; автомобиль интерьерлари учун зарур қисмлар (тўшалмалар, бамперлар, тутқичлар). Йўл ва бошқа қопламалар: очиқ ва ёпиқ спорт майдонлари учун қопламалар; болалар ўйин майдончалари қопламалари; қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик бинолари қопламалари; чоксиз қопламалар ишлаб чиқариш; одамларни интенсив оқими мавжуд жойлар-ер ости ўтиш жойлари, метрога ва супермаркетларга кириш жойларига

сирпанмайдиган тўшалмалар тайёрлашда; асфальтобетон қоришмалар тайёрлашда қўшилади ва ҳоказо. Қурилишда: кўприклар қуришда ва гидроизляторлар тайёрлашда; деворларни пардозловчи қурилиш материаллар тайёрлашда; чуқур жойларга қўйиладиган фибробитонларга қўшилади; темир йўл рельслари остига қўйиладиган демпфирловчи тўшалмалар тайёрлашда; эшик, ромларни зичловчи резиналар; томларга мўлжалланган композицион ёпқич композицион материаллар тайёрлаш; резинобитуммастик; вулканизацияланган ва вулканизацияланмаган гидроизолацион ўрам материаллар ва ҳ.з.

1-расм.



Юқорида майдаланган резина бўлакларини тўлиқ бўлмаган ишлатиш соҳаларини келтирдик холос. Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Ана шундай муаммо ва унинг ечимини топиш Республикамиз ёш кимёгарлари олдида ҳам турганлигини унутмаслигимиз керак.

Адабиёт

1. Юрий Легин - «Переработка покрышек в резиновую крошку и ее дальнейшее применение», 2013г., «Инфо», 30 с.